Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | *1931 йилдан чиқа бошлаган* | **1994 йил 21 декабрь, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. 57 (6645)

25 декабрь — сайловлар куни

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК

Чинакам демократик асосларда, кўппартиявийлик негизида ўтадиган бу сайловларга пойтахтимиздаги 27-Юнусобод сайлов округида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, 273-лицей мактабига жойлашган 593-сайлов участкасида бўлсангиз, участка сайлов комиссияси, участка қошидаги агитпункт жамоаси тайёргарлик ишлари пухта бўлиши йўлида жуда кўп куч-ғайрат сарфлаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Сайлов участкасининг бош штаби — агитпунктдаги сайловчилар рўйхати, сайловга оид кўргазмали тарғибот-ташвиқот воситалари, диаграммалар киши диққат-эътиборини тортади. Махсус хонада ойнаи жаҳон, газета ва журналларнинг янги сонлари, шахмат-шашка, сиёсий адабиётлар бор. Участка сайлов комиссиясининг таркиби, навбатчилар рўйхати, округлар ҳудуди, "Ёш сайловчилар овози" деворий газетаси, "Сайловдан-сайловгача" фотомонтажи, депутатликка номзодлар тўғрисидаги стендлар билан тайёрланганлиги кишига маънавий озиқ, эстетик завқ беради.

— Бугун биз ўзимизнинг бутун диққат-эътиборимизни аҳолига бу йилги ўтадиган сайловларнинг аввалгиларидан тубдан фарқ қилишини тушунтиришга қаратяпмиз, — дейди 27-Юнусобод сайлов округининг 593-сайлов участкаси раиси Елена Трофимовна Цой. — Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчилар ўртасида кенг кўламда ташвиқот ишлари олиб бормоқдалар. Суҳбатлар бу йил ўтадиган сайловларнинг демократик томонини очиб беришга қаратилаётир. Айни кунга қадар округимиз барча воситалар сайловга тахт қилиб қўйилди.

Жойларда Олий Мажлисга кўрсатилган номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари тез-тез ўтказилиб турилибди. Яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидан депутатликка номзод — 273-лицей мактаби директори Мавлуда Исматова ҳамда республика Фанлар академияси, Кимё-физика ва полимер институти директори Сайёра Рашидова (партиясиз) 12 ва 240-ўрта мактабларнинг мажлислар залида сайловчилар билан навбатдаги учрашувни ўтказди. Учрашувда номзодларнинг ишончли вакиллари ноибликка номзодларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти, сайловолди режа ва дастурлари ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

— Сайловолди тайёргарлик ишлари пухта ва намунали бўлишлиги учун бутун тарғиботчиларимизни сафарбар этяпмиз, — дейди 27-Юнусобод сайлов участкаси раиси Нурилла Муҳамедов. — Мақсадимиз бу муҳим тадбирни халқ демократиясининг чинакам тантанасига айлантиришдир.

Ҳа, 27-Юнусобод сайлов округининг 22 та участкасида тайёргарлик қизғин. 47 мингдан зиёд сайловчилар зиммасига 25 декабрь куни энг муносиб номзодларга овоз беришдек муҳим вазифа қолмоқда, холос. Туман аҳли бу бурчни ҳам шараф билан уддалашига ишонамиз.

У. АКТАМОВ.

АНТОНИНА ПАВЛОВНА ХЛЕБУШКИНАГА

Муҳтарам Антонина Павловна!

Сизни ҳаётингиздаги шонли сана, 80 ёшга тўлган кунингиз билан табриклашдан мамнунман.

Саховатли Ўзбекистон диёрида донолик, бағри кенглик, сахийлик, меҳр-шафқат ҳамиша қадрланиб, эъзозланиб келади. Сизнинг сиймоингизда, ёш авлодга оналик меҳри билан тўла ҳаётингизда шу фазилатлар акс этган.

Сиз, Антонина Павловна, ҳамиша болалар қалбига йўл топа олган, айниқса ҳаётда кўп жабр кўрган, ота-онасидан, яқинларидан жудо бўлган болалар меҳрини қозона олган меҳрибон, шафқатли инсонсиз. Сиз минглаб болаларни тарбиялаб, уларга ҳаётга йўлланма бердингиз.

Сизнинг илҳомбахш меҳнатингиз умумхалқ томонидан эътироф этилди, республика ҳукумати томонидан юқори баҳоланди. Сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси таъсис этган "Соғлом авлод учун" орденига биринчилар қаторида сазовор бўлдингиз.

Азиз Антонина Павловна, Сизга чин қалбимдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳаётингиздаги асосий ишингизни болалар ва ёшларни тарбиялашни давом эттиришингиз учун куч-ғайрат тилашга ижозат бергайсиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ҲОРМАНГ, АНТОНИНА ПАВЛОВНА!

19 декабрь куни Тошкентда пойтахтдаги 22-болалар уйининг директори Антонина Павловна Хлебушкина таваллуд топган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди. Кечада ажойиб педагогнинг ҳамкасблари ва дўстлари, унинг қўлида тарбия топган жуда кўп кишилар ҳозир бўлдилар. Улкан қалб эгаси А. Хлебушкина ўзининг бутун ҳаётини болалар, ёшларни тарбиялашдек савоб ишга бағишлаган.

Кечани "Ўзсаноатхўжаликқурилиш" давлат корпорацияси бошқарувининг раиси О. Орипов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг юбилярга табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққан нотиқлар Антонина Павловна уруш пайтидан бошлаб, мана, эллик йилдан ошиқ вақт мобайнида бошқариб келаётган 22-болалар уйида уч ярим мингдан ортиқ етим нафақат бошпана, балки меҳр-оқибат топгани хусусида гапирдилар. Бу болалар мазкур аҳил, байналмилал оилада вояга етди, билим, ҳаётга йўлланма олди. Болалар уйида тарбия олганларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларини тугатиб, фан, техника, санъат соҳасида етук мутахассислар бўлиб етишган. Улар қаерда бўлмасин, А. Хлебушкинани, қадрдон уйларини ҳеч қачон унутишмайди.

Моҳир педагог ва тарбиячининг кўп йиллик меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. А. Хлебушкина мустақил Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган "Соғлом авлод учун" орденига сазовор бўлган дастлабки кишилардандир.

Тантанали кечада А. Хлебушкина Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга, кечанинг барча қатнашчиларига самимий табриклари учун миннатдорлик изҳор қилиб, ёшларни юксак маънавият ва ватанга садоқат руҳида тарбиялашга бундан кейин ҳам барча кучини сарфлаяжагини билдирди.

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида

ТАЪЛИМ АНДОЗАЛАРИ — ҲАЁТГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги хайъат йиғилишида "Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, ҳунар-техника таълими илмий-текшириш институтининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг давлат таълим андозалари (стандартлари)ни ишлаб чиқиш бўйича тадбирларини бажариш юзасидан фаолиятлари тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди.

Хайъат йиғилишида бу борада муайян ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти асосий мувофиқлаштирувчи вазифасини адо этаётганлиги таъкидланди. Режага мувофиқ, мактабгача ва мактабдан ташқари (техникавий, экология-табиатшунослик, бадиий, амалий санъат ва эстетик) таълим; ўқув фанлари ва бошланғич таълим курслари; таянч ва ўрта таълим (она тили ва адабиёт, математика, физика, биология, химия, география, рус тили ва чет тиллари, жисмоний тарбия, Ўзбекистон тарихи, умумий тарих, ишлаб чиқариш меҳнати, тасвирий санъат) бўйича давлат таълим андозаларининг лойиҳалари тайёрланди.

Ҳунар-техника таълими илмий-текшириш институтида ҳунар-техника таълими давлат андозаларини ишлаб чиқиш бўйича марказ ва "Ҳунар-техника таълимини андозалаштириш услубиёти" лабораторияси яна қайта тузилди. Улар томонидан "Касб-кор андозаларини тайёрлаш тартиби, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш" қўлланмаси тайёрланди.

Давлат таълим андозалари масалалари бўйича республика (1993 йил ноябрь) ва Халқаро (1994 йил ноябрь) илмий-амалий конференциялари ўтказилди.

Шу билан бирга бу муҳим масалани ҳал этишда бир қатор камчилик ва нуксонларга ҳам йўл қўйилди. Улар қуйидагилардан иборат:

— информатика, дефектология, ижтимоий фанлар, саёҳат ва ўлкашунослик бўйича давлат андозалари лойиҳаларини тайёрлаш охирига етказилмаган;

— давлат андозаларини ишлаб чиқиш бўйича тадбирларда мактабгача тарбия ёшидаги гуруҳларга тааллуқли махсус илмий асосланган қисмлар йўқ;

— Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ишлаб чиқилган лойиҳаларни Халқ таълими вазирлигига кўпинча ўз муддатида тавсия этмаётир;

— тавсия этилган давлат таълим андозалари лойиҳаларида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини белгиловчи баҳо мезонлари йўқ;

— Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти раҳбарлиги ўзларининг Қорақалпоғистон филиалига минтақавий давлат таълим андозаларини ишлаб чиқишдаги жиддий камчиликлар билан муросасозлик қилиб келмоқда;

— ҳунар-техника таълими илмий текшириш институти таркибида ҳанузга қадар "Касбларга тайёргарликни андозалаштириш" лабораторияси ташкил этилмаган;

— ҳунар-техника таълимида ихтисосликларни классификациялаш рўйхати тайёрланмаган;

— Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида ҳанузга қадар ўрта ва олий педагогика таълим мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича давлат таълим андозаларини ишлаб чиқиш учун м[illegible]қат илмий жамоалар тузилмаган.

[illegible]йъат йиғилишида муҳокама қилинган биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим мактаблари Бош бошқармасининг бошлиғи М. Қосимов, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори Д. Шодиев, Ҳунар-техника таълими илмий текшириш институти директори Х. Рашидов сўзга чиқдилар.

Хайъат йиғилишида шунингдек, "Наманган вилояти халқ таълими бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунини бажаришнинг бориши ҳақида"ги ҳамда "Педагогика институтлари ва билим юртлари, саноат-педагогика техникумларига 1994 йилдаги талабалар қабули якунлари ва навбатдаги вазифалар тўғрисида"ги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўрилган барча масалалар бўйича хайъат йиғилиши тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон — Америка

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Шу йил 19 декабрдан 22 декабргача Тошкент давлат иқтисод университети биносида Америка Қўшма Штатларида ўқиш учун республика пойтахти ўқувчиларидан саралаб олиш очиқ танловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Худди шундай саралаш танловлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳам ўтказилди. Танловда инглиз тилида эркин сўзлаша оладиган 9—10-синфларнинг ўқувчилари иштирок этдилар. Уни республика Халқ таълими вазирлиги ва халқ таълими маҳаллий бошқарув идоралари вакиллари билан биргаликда "АКСЕЛС" кенгаши Тошкент бўлимининг ходимлари ўтказмоқдалар.

Саралаш танлови олдидан катта ташкилотчилик ишлари олиб борилди. Бу тадбирда қатнашиш учун АҚШдан "АКСЕЛС" президенти Дэн Девидсон Тошкентга келди. "АКСЕЛС" президенти билан Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Вазир америкалик меҳмонга сўнгги уч йил ичида, яъни Ўзбекистондан "АКСЕЛС" иш бошлаганидан буён, республикада инглиз тили ўқитиладиган мактаблар сони қарийб 200 тага кўпайгани, бу кўп жиҳатдан "АКСЕЛС" кенгаши фаолияти билан боғлиқлигини айтиб ўтди.

Бироқ бошқа муаммо ҳам бор. Бу Ўзбекистон мактаблари учун педагогик кадрлар тайёрлаш масаласи бўлиб, уни ҳал этишда америкалик ҳамкорларнинг ҳам ёрдами зарур.

Дэн Девидсон вазир таклифини қувватлаб, халқаро таълим соҳасида педагогика институтлари талабаларини ўқитишда, яъни булажак инглиз тили ўқитувчиларни тайёрлашда америкалик мутахассисларнинг ёш — мустақил давлатга ёрдам бериш истаклари тўғрисида сўзлаб берди.

Учрашув давомида Ўзбекистон халқ таълими вазири ва "АКСЕЛС" президенти ҳар икки томонни қизиқтираётган айрим масалалар, яъни саралаш танлови давомида тестдан фойдаланиш, АҚШда ўзбекистонлик болаларнинг ўқиши юзасидан зарур ахборотлар олиш, таълим мазмунига алоқадор айрим масалалар хусусида фикрлашиб олдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан "АКСЕЛС" кенгашининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Ҳужжатни Ж. Ғ. Йўлдошев ва Дэн Девидсон имзолади.

Мухбиримиз.

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Халқ таълими ва ҳокимият

Очил ГУЛОВ:

ЯХШИ МУАЛЛИМ — МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Косон туманида маорифга раҳбарлик қилиш борасида ўзига хос тажриба мавжуд эканлиги ҳақида Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Панжи Бердиевдан эшитган эдик. Ана шу тажрибани ўрганиш ниятида Косонга борганимизда муҳим бир тадбир устидан чиқдик.

Туман ҳокими Очил Гулов, вилоят Халқ демократик партиясининг биринчи котиби Фармон Омонов, "Косон" ширкат хўжалиги вакиллари билан Нартичуқур маҳалласида истиқомат қилувчи ногирон Акром Насруллаевни йўқлаш учун ҳозирлик кўриб туришган экан.

Илгари шофёр бўлиб ишлаган Акром, мана, бир қанча йилдирки, тўшакка михланиб қолган. Шу куни унинг оиласига бир бош соғин сигир ва бир теляжка шелуха совға қилинди. Яна қандай ёрдам зарур эканлиги сўралди.

Шундан кейин туман маркази кўчаларидан ўтдик. Янги қурилишлар, хусусий дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, бозор расталари пишиқ ғиштдан шарқона усулда қад ростламоқда. Бир оз ўнгиб кетган бино ёнидан ўтар эканмиз, "Бу бино таъмирдан сўнг таълим музейи бўлади", деди Очил Гулов. Шу баҳона туман маорифи хусусида сўзлашдик.

— Таълим шундай соҳаки, бир кунда бино бўлмайди, бир кунда уни барбод этиш ҳам мумкин эмас, — деди ҳоким биз билан суҳбатда. — Бугунги кун таълим заҳматкашлари кечаги ўқувчилар. Бугун мактаб партасида ўтирган ёшлар эса мамлакатимизнинг эртанги қиёфасини белгилайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз таълимга ижтимоий тараққиётимизнинг узлуксиз устивор йўналиши сифатида эътибор бериш зарурлигини алоҳида таъкидламоқда. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг таълим муассасаларига раҳбарлик фаолиятида бу бош мезондир.

Биз шу асосда иш юритяпмиз. Бу борада туман халқ таълими бўлими билан яқин ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун шу йилнинг ўзида амалга оширилган баъзи ишларга тўхталиб ўтиш жоиз.

Март ойининг бошида таълим муассасалари муаммоларини ўрганиш юзасидан учрашув ўтказдик. Барча таълим муассасалари вакиллари иштирок этган бу мулоқотда кимдир ёш табиатшунослар маркази биносини кичик корхонага бериб юборишмоқчи бўлишаётганини, бошқа биров янги мактаб биноси қурилишини тезлатиш зарурлигини, яна кимдир спорт жиҳозлари таъминотидаги тўсқинликлар, шахсан ўзимнинг иштирокимда оталиқ ташкилотлари билан юзма-юз суҳбат ўтказиш лозимлиги каби масалаларни ўртага ташладилар. Олдиндан шуни айтишим керакки, қўйилган масалаларни қатъий назорат остига олдик ва йил давомида ҳал этиб келдик.

Учрашувда туғилган фикрлар боис, Наврўз байрами арафасида "Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш" мавзуида семинар-кенгаш ўтказдик. Семинар-кенгашда туман халқ таълими фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ўқувчи ёшлар тарбиясида маҳалла фаолларининг тутган ўрни, мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги, экологик ва ҳуқуқий тарбия, оила ва боғча ҳамкорлиги масалалари юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқдик. Махсус фармойишга кўра оталиқ ташкилотларининг вазифаларини ҳам аниқ белгилаб қўйдик.

Бир йил муқаддам Беруний номидаги давлат хўжалиги 320, "Андибозор" ижара хўжалиги 640, Улуғбек номидаги жамоа хўжалиги 422 ўринли мактаб биноларини қуриб беришган бўлса, бу йил 6 та мактаб қурилиши ишлари ниҳоясига етказилди. Болалар боғчалари қурилиши ҳам доимий назоратимизда турибди.

Шинам ва озода бинолар ўқувчиларнинг билимга бўлган иштиёқини кучайтирса, меҳнатининг муносиб тақдирланиши ўқитувчиларнинг касбларига бўлган эътиборларини ошириши табиийдир. Ҳокимият фармойишига кўра 125 ижодкор ўқитувчига ойига 100 сўмдан қўшимча ойлик, 380 ўқувчига 50-60 сўмдан стипендия жорий этилган.

Туман халқ таълими бўлими ҳам ўз даромадидан ижодкор муаллимлар ва тарбиячилар, кам даромадли оилаларнинг фарзандлари, аълочи ўқувчилар, спорт мусобақалари ва фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалар ғолибларига моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Халқ таълими бўлими давлат қарамоғидаги ташкилот ҳисобланади. Шундай экан, бўлим даромадни қандай топаяпти, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий.

— Гап шундаки, ҳали 1990 йилдаёқ кенгаш қарори билан халқ таълими бўлими қошида таълим муассасаларини таъмирлаш мақсадида хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш тармоғи тузилган эди. Кейинроқ, яъни 1992 йилда эса кенгаш қарорига кўра таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни кўзда тутиб, халқ таълими бўлими қошида хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш корхонаси ташкил этилди.

Ҳозирда қурилиш ташкилоти ҳисобида 12 минг сўмдан зиёд соф даромад бор. Умумий овқатланиш корхонаси 2 та ўз дўконига эга. Маҳсулотларни шартнома асосида хўжаликлардан олмоқда. Йил давомида корхона барча мактабгача тарбия муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Халқ таълими бўлимига эса 6 минг сўмга яқин маблағ ўтказди.

Фақат шу эмас. Ҳокимиятнинг қорорига биноан халқ таълими бўлимига ёрдамчи хўжалик учун 32 гектар ер ажратиб берганмиз. Мактабларимиз эса 455 гектар ер майдонига эга.

Булар ҳаммаси, шубҳасиз, таълим-тарбияни ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар. Ҳокимият қарори билан туман марказида 1992 йилда очилган ўқув ишлаб-чиқариш маркази ҳам шу мақсадга қаратилган. Марказда яқин-атрофдаги 6 та мактабдан 586 ўқувчи, мактабда ўқимаётган ёки мактабни битирса ҳам ишсиз юрган

(Давоми 2-бетда)

25 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВЛАР КУНИ

ЭЛ ИШОНЧИ МУҚАДДАС

ХОЛИҚОВ ЭГАМБЕРДИ,
33-Шифокор сайлов округи. Андижон шаҳридаги 18-мактаб директори.

Эгамберди ака 1956 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Институтни тугатгандан сўнг мактабда ўз мутахассислиги бўйича ишларга сабоқ бериб, ташаббускорлиги, ташкилотчи ва жонкуярлиги билан шаҳар педагоглари орасида ўз ўрнини топганлардан.

Эгамберди ака жамоамизга директор бўлиб сайлангандан кейин мактабда таълим-тарбия, айниқса, кенг қулоч ёзди, — дейди унинг ишончли вакили Ғ. Абдуллаев. — Илмгоҳда таълимни ислоҳ қилиш, ишларга пишиқ ва пухта билим беришда эришаётган ютуқларимизда Эгамберди аканинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Кейинги икки-уч йил ичида ўқувчиларимиз шаҳар, туман ва вилоятда ўтаётган фанлараро олимпиадаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётганлиги ҳам, ишларга таълим билан бирга ҳунар сирлари пухта ўргатилаётганлиги ҳам бевосита у кишининг елиб-югуришлари, жонкуярлиги туфайли амалга ошмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлисига бўладиган сайловда Эгамберди Холиқовнинг номзодини шаҳримиз меҳнаткашлари бекорга кўрсатишмаган. Чунки у кишининг инсонпарварлигини, кўпчилик иши учун доимо камарбаста бўлишини, янгиликка ўч эканлигини ҳамма билади. Шу боисдан ҳам Эгамберди аканинг сайловолди дастурида кўпроқ янгиликларни жорий этиш, мактаб, маориф, хўжалик ва ишлаб чиқаришни замон руҳи асосида ташкил этиш ишлари кенг ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси дастурида халқни ижтимоий муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, турмуш фаровонлигини ошириш каби муҳим жумлалар бор. Айни пайтда Эгамберди ака ана шу партия дастуриламалини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўзи ҳам бу борада талай ташаббусларни режалаштирган. Масалан, иқтисодий ислоҳотларни тезроқ мактабга, маорифга олиб кириш, ҳуқуқий давлат қуришда ишларни тайёрлаш, жаҳон маорифида эришилган ютуқлар, илғор тажрибалар асосида алоҳида дастур тайёрлаб, маорифчиларга тақдим этиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ёш болали, нафақахўр, қарамоғида ҳеч кими бўлмаган оилаларга ҳам ёрдам қилиш, бозор иқтисоди шароитида уларни муҳофаза этиш Эгамберди аканинг асосий мақсадларидан биридир.

КОМИЛ ИНСОННИ МИЛЛИЙ МАКТАБ ТАРБИЯЛАЙДИ

Раззоқ ШУКУРОВ
62-Ромитан сайлов округи. Ромитан туман халқ таълими бўлимининг мудири

Мустақил Ўзбекистон халқ таълимини ислоҳ қилишни амалга оширишда Ромитан туман таълим муассасалари бир қатор ибратли ютуқларга эришаётирлар. Ўқув-тарбия ишларига янгича ёндашиш таълим самарадорлигини оширишнинг бош омили бўлмоқда. Мактаблар ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини компьютерлаштириш, техника воситаларидан ва илғор тажрибалардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда Раззоқ Шукуров етакчилик қилаётган туман халқ таълими бўлимининг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳозирги пайтда туман мактабларида 300 дан ортиқ фан ўқув хоналари, 72 та устахона, 19 та ЭҲМ хонаси ёш авлоднинг билим асосларини эгаллашига ва меҳнат малакаларини ҳосил қилишига хизмат қилаяпти. "Таълим тўғрисида"ги Қонунни амалга ошира бориб, таълим муассасаларида замонавий миллий мактаб қиёфасини шакллантириш халқ таълими бўлими мудири Раззоқ Шукуровнинг орзу умидидир. Чунки келажаги буюк бўлган Ўзбекистоннинг билимли, юксак маданиятли, ишбилармон ва ватанпарвар фуқароларни камол топтириш мактаб жамоаларининг юрт олдидаги муқаддас вазифасига айланган.

— Халқ таълими ходимларидан Республика Олий мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатилиши бу соҳага катта эътибор билан қараётганлигининг, маорифчилар қадрланаётганлигининг тимсолидир, — дейди Раззоқ Фаттоевич. — Зотан, мамлакатимиз равнақи халқ таълими тараққиётига, таълим-тарбия ишларининг замон талаблари даражасида бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз бу соҳани ривожлантиришни мамлакат тараққиётининг узлуксиз устивор йўналиши деб атади. Демак, биз, маорифчилар катта масъулият билан таълим-тарбия ишига ёндашиб, мактаб ислоҳоти муаммоларини ҳал этишни жадаллаштиришимиз зарур.

Маорифчи сифатида Республика Олий Мажлиси депутатлигига Халқ Демократик партиясидан номзод этиб кўрсатилганлигимдан беҳад мамнунман. Ўзим мансуб бўлган партиянинг сайловолди сиёсий дастури менинг фаолиятим асоси бўлади, албатта. Асосий мақсад озод ва обод Ватан, тинч ва фаровон ҳаёт учун курашишдан иборат. Шу билан бир қаторда мен таълим-тарбия масканларимизнинг ёш авлодни камол топтиришда жаҳон андозалари даражасида бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли ўғил-қизларни чуқур билим, зарур ихтисос эгаллаши, ташкилотчи ва ишбилармон, юксак ахлоқли киши бўлиб етишишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқ таълими ходимларининг ижтимоий ҳимояланишини ривожлантириш, уларнинг жамиятда обрў-эътиборини янада ошириш учун куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Раззоқ Шукуров сайловчилар билан учрашувларда кўзда тутган режаларини батафсил сўзлаб бераркан, халқ манфаати йўлида меҳнат қилиш катта бахт эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бу таъкидлар депутатликка номзоднинг фаолият тамойилини, яшашдан мақсадини ҳам ифодалайди, албатта.

ДЕПУТАТЛИК — ВАКОЛАТ

Ҳасанбой ҚУРБОНАЛИЕВ
98-Учқўрғон сайлов округи

Тафсифномадан. Ҳасанбой Қурбоналиев 1938 йилда Учқўрғон туманида туғилган. Фарғона давлат педагогика институтини тугатган.

Меҳнат фаолиятини Учқўрғон туманидаги 17-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1989 йилдан ҳозирги пайтгача тумандаги 20-ўрта мактаб директори вазифасида ишлаб келмоқда.

Ҳасанбой Қурбоналиев қайси вазифада ишламасин, ўзининг меҳнатсеварлиги, ишга виждонан ёндашиши, билимдон ва изланувчанлиги билан жамоа ўртасида ҳурмат қозонди.

Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда устоз-мураббий, моҳир педагог сифатида туман маорифчиларига намуна бўлмоқда. Мактабларда ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш борасида фаол иш олиб бормоқда.

Маҳалла аҳли ўртасида чин инсон ва одамийлиги туфайли обрў-эътиборга эга. Оилали, тўрт фарзаннинг отаси.

— Ҳасанбой ака, маориф, маънавият жамият тараққиётида кўп нарсани белгилайди. Шундай эмасми?

— Ватанимизнинг келажаги ва истиқболи бўлган ёш авлодни тадбиркор, фан ва техника сирларини пухта эгаллаган мутахассислар бўлиб етишиши учун халқ таълими тизимини такомиллаштириш, ўқув юртларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга, иқтидорли ёшларни тарбиялашга, уларни қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратмоқ зарур. Келажак мактабдан бошланади. Ана шу мезон тараққиёт йўлининг асосий акидаларидан бири бўлиши керак.

— Ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул. Бўлажак депутатлар энди бурунгидек икки қўлини баравар кўтариши билан эмас, балки мулоҳаза, мушоҳада қила олиши, бир сўз билан айтганда, қонуншунослиги билан ажралиб туриши керак.

— Албатта. Дардни нафақат ҳис қилиш, балки уни тушуна билиш лозим. Депутат ана шу "тушунувчи" тоифасидан бўлиши керак. Тушуниш эса муқаррар ечимга олиб келади. Депутатлик лавозим эмас. Аксинча, халқ фаровонлиги, юрт осойишталиги йўлида камарбаста бўлиш.

— 40—50-йилларда ўқитувчи элнинг энг зиёли табақаси ҳисоблан ан. Бугунга келиб ўша обрў-эътибор пасайгандай. Бунинг туб сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Биласизми, ўша даврларда муаллим халқ ичидаги энг билимдон кишилар тоифасига кирган. Энг аввало, ўқитувчиларнинг ана шу билимдонлик савиясини тиклаш керак. Бунинг учун педагогика институтларидаги талаб даражасини ошириш лозим. Шундагина замон талабига жавоб бера олувчи муаллимга эга бўламиз. Шундагина муаллимнинг эл ичидаги мавқеи ошади.

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ



Собиржон ОТАЖОНОВ
103-Заркент сайлов округи

Муаллимлик касби мураккаб ва шарафли. Улар сабр-тоқатли бўлишади. Бу хислат умрини халқ маорифига бахшида этган меҳнат фахрийси Собиржон Отажоновга ҳам хосдир. У ҳозир Янгиқўрғон туманидаги 30-мактабда директор. Камтар ва билимдон, тўғрисўз ва холис раҳбар сифатида туманда эътибор топган. Унинг мақсади ишларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

У меҳнат фаолиятининг асосий қисмини халқ таълимига бағишлади. Мактабда муаллим, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, ҳарбий таълим ўқитувчиси, мактаб директори бўлган. Қишлоқ ҳаёти, одамлар турмушини яхши билади. "Заркент" қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби, "Заркент" давлат хўжалигининг директори ўринбосари бўлиб ҳам ишлаган. ХДП туман кенгаши ижроия бюроси аъзоси сифатида ишларга миллий истиқлол мафқурасини сингдириш, келажаги буюк давлат во исларини тарбиялашга ҳиссадор бўлишга ҳаракат қилади. Тажрибали муаллим Собиржон Отажонов соғлом авлодни тарбиялаш мактабларда замин ҳозирлашдан бошланишини яхши билади. У қишлоқ кўчаси бўйлаб одимларкан, шогирдларнинг ҳурмат билан салом беришлари, "устоз" дейишларини ўзи учун ажиб бир мукофот деб билади.

— Жамиятимизнинг ривожланишида маънавият залворли ўрин тутади. Бинобарин, халқ таълими, олий ва ўрта махсус ўқуви замонавий яхлит тизимини шакллантириш ҳамда уни миллий қадриятларимиз, жаҳон илғор тажрибаси асосида давр талаблари даражасига кўтариш, ясли-боғча тарбиячилари, мактаб, лицей, коллеж, институт, университетлар профессор-ўқитувчиларининг тиббиёт ходимларининг жамиятдаги мавқеини беқиёс ошириш лозим деб биламан, — дейди номзод. — Жамиятимизда иқтидорли йигит-қизларнинг истеъдодларини намоён қилишлари учун зарур тағзаминни вужудга келтириш, болаларимизни меҳнатсевар, ишбилармон, тадбиркор, уддабурон, инсонпарвар, ватанпарвар қилиб тарбиялашда "давлат — жамоатчилик — оила" саъй-ҳаракатларида уйғунлик ва самарадорлик бўлишини таъминлаш соҳасида қилинаётган ишлар ўта муҳимдир. Кўп асрлик бой салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз фани, хусусан, унинг етакчи соҳаларига эътиборни кучайтириш ҳаёт талабидир. Маънавий меросимизни тиклаш, маданиятимизнинг муҳим йўналишлари — бадиий адабиёт, театр, кино, мусиқа ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга эътиборни қаратиш муҳ м вазифа деб биламан. Бу йўлда камарбаста бўлишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

СОҒЛОМ АВЛОД ЭЛ БАХТИ

Шарофат НОРБОЕВА
139-Ангор сайлов округи. Ангор туманининг "Мустақиллик" жамоа хўжалигидаги "Бойчечак" болалар боғчаси мудираси.

Сурхон воҳасида ватанпарвар, жонкуяр, ташаббускор маорифчи раҳбарлар кўп. Ангор қишлоғида туғилиб камол топган, ҳалол меҳнати, таълим-тарбия соҳасидаги муваффақиятлари, жамоат ишидаги фаоллиги билан эл ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган Шарофат Маматқуловна Норбоева ҳам шулар сирасига киради.

Шарофат ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ишки, ташкилотчилиги, тарбиявий ишларга мойиллиги билан эътибор қозонганди. Бу фазилат унинг тақдирини педагогик фаолиятга боғлади. У 1974 йилда Ангор туманидаги Ленин номидаги ўрта мактабда пионерларга раҳбарлик қилди. 1980 йилда Термиз давлат педагогика институтини битириб, физика-математика ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлгач, ўзи яшайдиган тумандаги 191-ҳунар-техника билим юртида сабоқ бера бошлади. Муаллим қайси фандан дарс ўтмасин, билим бериш баробарида ўқувчиларга тарбия сабоқларини ҳам сингдира олиши зарур. Шарофат билим юртидаги фаолиятида ана шу тамойилга амал қилди.

Шарофат Норбоеванинг тарбиявий ишларни олиб боришдаги ташкилотчилик маҳорати, билим ва тажрибаси, ижодкорлиги 1982 йилда "Бойчечак" болалар боғчасига мудира бўлгандан сўнг янада ёрқинроқ намоён бўлди. У жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг 75 нафар фарзанди тарбияланаётган боғчани намунавий миллий мактабгача тарбия муассасасига айлантириш учун ҳаракат қилаётир. У мактабгача ёшдаги болалар тарбия масканининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, кичкинтойларни тарбиялашда янгича усулларнинг қўлланишига, умуман боғча болалар учун шодлик ва қувонч, қизиқишларни шакллантириш орқали дастлабки билим тушунчаларини, таълим кўникмаларини ҳосил қилиш маскани бўлишига эътиборни қаратиб келмоқда.

Эл ҳурматини қозонган Шарофат Норбоева 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ депутати этиб сайланган эди. У депутат сифатида ўзи яшайдиган туманда ҳам кўпгина жамоатчилик ишларига бош-қош бўлди. Туман ҳудудида ободончилик ҳашарлари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ҳайрия тадбирлари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам уюштириш каби ишлар бунга мисол бўла олади.

Одамлар тақдири деб ёниб яшайдиган кишига ҳамиша эътибор катта бўлади. Шу боис, Шарофат Норбоевани халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатди. У шу кунларда сайловчилар билан учрашувларда кўзда тутган дастури, режалари ҳақида батафсил сўзлаб бермоқда.

— Менинг дастурим асосини ўзим аъзоси бўлган ХДП ҳаракат дастури ташкил этади, — дейди Ш. Норбоева. — Мақсад мустақилликни мустаҳкамлаш, эл фаровонлигини оширишдан иборат. Ана шу кенг кўламли ҳаракат доирасида, агар депутат бўлиб сайлансам, эътиборимни соғлом авлодни камол топтириш шарт-шароитларини яратишга қаратаман. Болалар тарбия муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, оналар оғир меҳнатини енгиллаштириш, қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Ҳа, Шарофатнинг кўзда тутган режалари кўп. У ўз олдига элни деб, юртни деб ёниб яшашни, меҳнат қилишни мақсад қилиб қўйган. Бундай яхши ниятларнинг рўёбга чиқишига тилакдошмиз, албатта.

У САМИМИЙЛИКНИ ҚАДРЛАЙДИ

Барчиной МАШАРИПОВА.
209-Боғот сайлов округи

Барчиной... Беихтиёр ўзбек халқининг машҳур "Алпомиш" достони эсга тушади. Достондаги Барчиной тимсолида вафоли ёр, камтарин, зукко, тадбиркор, етти ўлчаб бир кесадиган аёл сиймоси кўз олдимизда гавдаланади. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган Барчиной Машариповада ҳам шу каби хислатларнинг барчаси мужассам. У, аввало, инсонлардаги камтаринлик, самимийликни қадрлайди. Шунинг учунми, Фарғона вилояти Водил қишлоғидаги ўрта мактабда таҳсил олаётган кезларидаёқ педагоглик касбини танлади. Москва педагогика институтида ўқиди. Ўзи билан бирга ўқиган хоразмлик йигитга кўнгил қўйиб, турмушга чиқди. Ўқишни тугатгач, Хоразм вилояти Боғот туманидаги ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фанидан ўғил-қизларга сабоқ бера бошлади. Барчинойнинг тиришқоқлиги, ўз ишига виждонан ёндашиши, ташаббус кўрсатиб ишлаши унинг обрўсига обрў қўшди. Ҳозир у Охунбобоев номидаги ўрта мактаб раҳбари.

Албатта, раҳбарлик — осон юмуш эмас. Раҳбар, аввало, ўз йўлига, ноёб раҳбарлик услубига, ташаббускорлик хусусиятига эга бўлиши жоиз. Ташаббускорлик, ишчанлик ва тадбиркорлик кўпроқ раҳбарларнинг билимдонлигига ва лаёқатига ҳам боғлиқ. Бу хислат ва фазилатларни унга табиатнинг ўзи ато этган. Шу боис у халқ юрагига, ўзи билан бирга ишлаётган жамоа қалбига ҳамиша йўл топа олади.

Халқимизда "Қарс икки қўлдан чиқади" деган нақл бор. Опанинг жонкуярлиги, унинг одамларга бўлган муҳаббати, инсонларга самимий муносабати беиз қолмаяпти. Меҳр-мурувват кўрган инсонлар ўз навбатида Б. Машарипова бошлаган ташаббусни қўллаб-қувватлашади, ҳурматини жойига қўйишга интилишади. Ҳурмати бор одамнинг ҳикмати бўлади. Ниятимиз шул: ҳамиша ҳикматли бўлинг!..

"Маърифат" хабарлари

Республика Ўқув-методика марказида "Ўзбекистон Республикасида педагогика фанининг ривожланиш истиқболи ва долзарб муаммолари. XXI аср мактаблари" мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни республика халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ялпи мажлисда "Ўзбекистонда педагогика фани ва унинг истиқболи" деган мавзуда маруза қилди.

— Келажаги буюк давлатимизни буюк қиладиган — фидойи инсонларнинг беназир ҳиссаларидир,— деди вазир. — Жамиятимиз тараққиётига назар ташлар экан-

ПЕДАГОГИКА ВА МАКТАБ

миз, ҳар бир соҳада жадал суръатлар билан олға қадам ташлаётганимиз сезиляпти. Лекин биз педагогларни бир савол ташвишлантиради. Хўш, мактб олдинда бўлиши керакми ёки педагогика фанимиз! Албатта, педагогика фани етакчилик қилиши лозим. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Шунингдек, нотиқ халқ таълимининг истиқболи, унинг муаммолари, хорижий давлатлар тажрибалари хусусида атрофлича тўхталиб ўтди.

Йиғилишда маруза юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, саволларга жавоблар берилди.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлиндилар. "Педагогика ва мактабгача тарбия", "Педагогика ва умумтаълим мактаблари", "Педагогика ва ҳунар таълими", "Педагогика ва олий таълим", "Истеъдодли болалар ва ёшлар таълими муаммолари", "Педагогика фани ва педагоглар малакасини ошириш муаммолари" шўъбаларида педагогика фанлари номзоди М. Расулева "Бола камолотида мактабгача таълим-тарбия тараққиётининг равнақи", педагогика фанлари номзоди П. Мусаев "Умумий ўрта таълимнинг ижтимоий педагогик асослари", катта илмий ходим Л. Давидова "Ҳунар таълими мазмуни ва келажакда унга қўйиладиган талаблар", педагогика фанлари доктори М. Тўхтахўжаева "Ўзбекистон Республикасида педагогика фанининг ривожланиш истиқболи ва долзарб муаммолари", педагогика фанлари доктори Б. Қодиров "Истеъдодли ёшлар таълими муаммолари", руҳшунослик фанлари доктори Ғ. Шоумаров "Ўзбекистон Республикасида малака ошириш тизимининг ҳозирги вақтдаги ҳолати ва истиқболи" мавзуларида маруза қилдилар. Ҳар бир шўъбада маърузалар юзасидан мунозарали чиқишлар бўлди.

Йиғилишда Низомий номидаги педагогика институти ҳамда Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг олимлари, илмий ходимлари, вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари иштирок этдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовинлари Б. Қодиров, Ҳ. Йўлдошев, М. Султонов иштирок этди.

Д. ҲЎЖАЕВА.

Очил ГУЛОВ:

ЯХШИ МУАЛЛИМ — МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

(Боши 1-бетда)

32 нафар ўсмир меҳнат биржаси билан тузилган шартнома асосида электр ва газ пайвандчилиги, дурадгорлик, гилам тўқиш, бичиш-тикиш, ҳалқ амалий санъати сингари касб ва ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Бундан бир неча йил илгари мавжуд бўлган ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларидан мазкур марказнинг сезиларли фарқи шундаки, бу ерда ўқувчилар касб-ҳунар ўрганиш билан бир вақтда аҳолига зарур бўлган турли хил буюмлар ҳам ясайдилар. Ишлаб чиқариш жараёни ҳам ўқувчиларга, ҳам марказга моддий манфаат келтирмоқда.

Иқтисодий изланишлар таълим-тарбия масканларининг ўқув-техника таъминотини яхшилашга имконият яратмоқда. Айни пайтда 81 та мактабдан 26 тасида информатика ва электрон ҳисоблаш хонаси, 25 та мактабда лингафон хоналари мавжуд. 704 та фан хоналари, 62 та меҳнат таълими устахонаси ёш авлод ихтиёрида. Умуман, туман таълим муассасаларининг қирқтасида 58 турда ҳунар ўргатилаётир. Кўпчилик мактабларимиз, ҳатто болалар боғчалари ўз ҳисоб рақамларига эга.

Хуллас, таълим мазмунига оид изланишлар иқтисодий манфаатдорлик орқали қўллаб-қувватланмоқда.

— Айтишларича, ҳокимият қарорига кўра лицей ташкил этилганига ҳам икки йил бўлибди.

— Ҳа, Улуғбек номидаги лицей-интернат ташкил этдик. У ерда тест синовлари асосида саралаб олинган 270 нафар ўқувчи фанларни чуқурлаштирилган дастур асосида ўрганмоқда. Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш истиқбол аҳамиятига молик масала. Лекин ўқувчиларда илм-фанга иштиёқ уйғотиш, улар қалбида ниҳон ётган истеъдод учқунларини алангалантириш бундан кам аҳамиятга эга эмас. Туманимизда бу борада ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётир.

Шу ўринда тажрибали педагог, турли йилларда турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган туман халқ таълими бўлими мудири, "Халқ маорифи аълочиси" Зайнаб Дўстёрованинг ташкилотчилик фаолиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мактабларни мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ёш муаллимларга методик ёрдам кўрсатиш, илғор педагогик иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш, ҳар бир дарснинг мазмунли ўтишини таъминлаш халқ таълими бўлимининг кундалик ишига айланган.

2 та мактаб-боғча, элликка яқин хонадон-боғчалар фаолият кўрсатаётганлиги ҳам бўлимда ишга ижодий муносабат, янгиликка бўлган интилиш кучли эканлигидан далолатдир.

Мактабларда айрим фанлар бўйича ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш юзасидан ташхис ўтказишдек анъанага айланиб бораётган тадбир ҳам таълим-тарбия сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

— Гапингиздан шу нарса аён бўлаяптики, барча соҳаларда бўлганидек, таълимда ҳам пировард натижа муҳим. Яъни ўқувчининг билими. Шундай эмасми?

— Албатта. Таъбир жоиз бўлса, ўқувчи муаллимнинг юзи. Ўқувчи эл назарида устозини ё улуғлайди, ё юзини ерга қаратади. Фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадалар шу жиҳатдан маъқул тадбир бўлмоқда. 8 нафар косонлик ўқувчи фанлар бўйича республика олимпиадаларида иштирок этди. Н. Очилов номидаги ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилшод Камолов Республика "Ёш тарихчилар" олимпиадасида 1-ўринни қўлга киритди. Шу йил баҳорида Бухоро вилоятида дзю-до кураши бўйича ўтказилган республика чемпионатида эса бир ўқувчимиз чемпион бўлди, 2 ўқувчимиз иккинчи ўринни эгаллади. "Йил мактаби", "Йил тарбиячиси", "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловлари ҳам педагогларимизнинг ўз касбларига масъулиятларини ошираётир, ижодкорлик иштиёқини уйғотмоқда.

— Демак, туманда ўз касбининг устаси бўлган муаллимлар кўп...

— Биласизми, яхши муаллим юрт маънавиятининг асл бойлиги. Шахсан ўзим Бешкент қишлоғида таълим берган биринчи муаллимим Қора Маманов,тарих ўқитувчиси Миср Назаров каби устозларимни ҳамон фахр билан тилга оламан.

Косонлик фидойи муаллимлар ҳақида гап кетар экан, бошланғич синф ўқитувчиси Гулбодом Эштурдиева ҳақида гапирмасдан бўлмайди. Республика ўқув-методика маркази бошланғич таълим шўъбасининг аъзоси бўлган бу ижодкор муаллима ўзи "Савод" дарслиги яратди. Унинг бу дарслиги туманимиздаги 16 та мактабда синовдан ўтказилиб, Республика Халқ таълими вазирлигига дарслик сифатида тавсия қилинди. О. Норсубҳонов, Б. Қодиров, Ш. Ғиёсова, О. Султонов, Д. Дилмуродов, Н. Дўстёров, Б. Пўлатова каби ўнлаб ана шундай муаллимларимиз бугунги кунда эл назарида. Улар косонликларнинг ифтихори бўлган Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборовдек таниқли шоирлар, фан ва санъат арбобларини тарбиялаб вояга етказган кекса авлод вакиллари тажрибаларига замонавийлик, миллийлик ва қалб-қўрларини пайванд этиб, мустақил юртимизга муносиб фарзандлар тарбиялашга бел боғлаганлар.

— Туман маорифини янада яхшилаш билан боғлиқ режаларингиз нималардан иборат?

— Халқимизда, энг яхши ниятнинг — борини бой бермаслик, деган жўяли гап ҳам бор. Таълимда буни мавжуд илғор иш тажрибаларини оммалаштириш зарур деб тушунмоқ керак. Янгилик кенг ёйилгандагина кутилган самарага эришиш мумкин. Шу мақсадда "Ижодкор ўқитувчилар маркази"ни ташкил этиш ниятидамиз.

Шахсий кузатувларим тариқасида ўқув фанларини ихчамлаштириш лозим, деб ҳисоблайман. Болаларимизни мустақил фикрлаш, чуқур мушоҳада юритиш имкониятидан маҳрум қилиб қўймаслигимиз керакмикан? Ҳар ҳолда, ақл заковатини чуқур мушоҳада қобилияти белгилашини унутиб бўлмайди.

Яна бир мулоҳаза. Ўқув дастурлари ва дарсликларимизда, умуминсоний қадриятлар эътироф этилган ҳолда, миллий қадриятларга эътибор янада кучайтирилиши ахлоқий тарбия таъсирчанлигини таъминлаган бўлур эди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат !

Суҳбатдош С. ҲАКИМОВ.

ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА НОАНЪАНАВИЙ УСУЛ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида педагогика ўқув юртлари иш усулини такомиллаштириш, мутахассисликларга бўлган эҳтиёжни кенг шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган. Унда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, қисқа фурсат оралиғида республикамиздаги мавжуд педагогика билим юртларида бир талай ижобий ишларнинг қўлга киритилганлиги, дарс ўтиш, бўлажак мутахассисларни давр талаби даражасида тайёрлаш, бозор иқтисоди шароити талабларига кўра, иқтисодий билимлар асоси каби фанларнинг ўқитилаётганлиги, шунингдек, янги, миллийлашган мутахассисликларнинг жорий этилганлиги қувонарли ҳол.

Айни пайтда ҳам билим юртлари педагоглари мутахассислар тайёрлаш йўлида изланиш, ташаббускорлик кўрсатиб, миллий ва илғор тажрибалар асосида ноанъанавий дарслар ўтиш сабоғини такомиллаштириб, муҳим ютуқларни қўлга киритишмоқда. Чунончи, Жиззах, Бухоро, Тошкент каби шаҳарлардаги педагогика билим юртларида бир соатлик дарс сабоғининг ноанъанавий шакл ва усуллари тажриба тариқасида қўлланилиб, айни пайтда республикамиздаги барча билим юртларига татбиқ қилина бошланди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги педагогика таълим ва фан бошқармасининг ташаббуси билан "Педагогика ўқув юртларида таълимнинг ноанъанавий шакл ва усулларини ўқув жараёнига татбиқ этиш" мавзуига бағишланган семинар-кенгашда ана шу масала кенг муҳокама этилди. Сўзга чиққан нотиқлар, педагогика институтларининг тилшунос олимлари, вилоятлардан келган билим юртларининг тажрибали фан мутахассислари дарс ўтишнинг ноанъанавий усуллари хусусида кенг мушоҳада юритиб, бозор иқтисоди шароитида ҳамда узлуксиз таълимни янгилаш ва такомиллаштиришда ана шу усулнинг ижобий томонларига алоҳида тўхталдилар.

Анжуман иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида шўъбаларга бўлиниб, Тошкентдаги мактабгача тарбия педагогика билим юртида янги усулда ўтказилаётган дарсларни кузатдилар, таҳлил этдилар. Семинар-кенгаш сўнггида кўрилган мавзу юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХОТИРА КЕЧАСИ

Яқинда шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 567-болалар боғчасида ўзбек халқининг машҳур раққосаси Мукаррама Турғунбоева ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Моҳир тарбиячи Нодира Зияева гуруҳи кичкинтойлари Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган "Тановар", "Дилхирож", "Жонон" ҳамда бошқа рақсларни ижро этдилар. Она юрт, ватанпарварлик мавзуида шеърлар ўқидилар. Шунингдек, Ботир Зокиров номидаги танлов ғолиби Абдулла Қурбонов ижро этган дилрабо қўшиқлар даврага файз бағишлади.

Ғ. ЮСУПОВ.

Мактаблар ҳаётидан

ИСТИҚБОЛ ОСТОНАСИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқдамиз. Халқ таълимида умуман, мактабларда анча-мунча қийинчиликлар вужудга келмоқда. Лекин излаган имкон топар экан.

Бизнинг Мирзо Улуғбек номли 1-ўрта мактабимизда бу йил 1012 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти. Уларга 86 нафар педагог ходим таълим-тарбия бермоқда. Барча фанлар бўйича кабинетлар техник воситалар билан таъминланган. Икки йил мобайнида мактабнинг моддий базаси 178 минг сўмга бойитилди. Мактабимиз молиявий мустақил. Ўзининг ишлаб чиқариш базасига эга. 33 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. 1993 йил пахта ҳосилининг даромади ҳисобига 320 ўринли қўшимча мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги бино синфхоналарини жиҳозлашга 100 минг сўм пул сарфланди. Янги ўқув йилига мактабни тайёрлаш ишлари июль ойининг бошидаёқ тугалланган эди. Ҳозирги куннинг ўзидаёқ келгуси йилги таъмир-тадоригини кўриб қўйганмиз. Пол ва деворлар учун ишлатиладиган бўёқлар сотиб олинди. Таълим ва тарбия соҳасида ўтказилаётган тадбирларимизга ўзимиз топган маблағ ишлатилади.

Ҳаракатдан баракат деганларидек, мактабимизнинг вилоят ва туманимизда салмоқли ўрни бор. Ўтган ўқув йилида мактабни битирган 22 нафар ўқувчининг 17 нафари Республиканинг турли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтказилган қабул тест синовларини муваффақиятли топшириб, талабаликка эришишди. 1992—93 ўқув йилидан бошлаб, мактабда бошланғич синф ўқувчилари учун махсус компьютер соатларини ташкил этган эдик.

Бугунги кунга келиб компьютер синфлар белгиланган машғулотларни ақлли машиналарда ўтказишмоқда. Бунинг учун мактабга икки комплект компьютерлар сотиб олиниб, ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилди.

Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ташаббуси билан бу йил мактабимизда 20 кунлик семинар машғулотлар ўтказилди. Тумандаги барча ўқитувчилар унда иштирок этишди. Бу соҳадаги тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик. Бир сўз билан айтганда ҳам ўргатиб, ҳам ўргандик.

Ушбу семинар-машғулотларни институт ЭҲМ кабинети мудири Тоҳиржон Соатов билан ҳамкорликда ташкил этдик. Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиш учун режалар белгилаб олдик.

Бошлангич синфларимизда ҳар кунги дарс, биринчи машғулотимиз жонажон Ватанимизнинг Давлат мадҳияси билан бошланади. Жажжи болажонларимизнинг ширингина жарангдор овозларини эшитсангиз, бутун қалбингизни Ватан сурури, унга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси қамраб олади.

Қайси билим масканида ўқитувчининг ижодий изланишига кенг имкониятлар яратилган бўлса, ўша жойда ижодкорлик, янгиликлар пайдо бўлади. Вилоят ўқитувчилари ўртасида ўтказилаётган турли хил ижодий тадбирларда ўқитувчиларимиз фаол қатнашишмоқда. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Сатторова Гулсара, математика фани зиёкори Худойқулова Насиба, химия-биология фани жонкуярлари Умаров Муҳиддин ва Суярова Гулноралар, тарих билимдонлари Баракаев Дамир, Ҳамрақулова Дилоромлар, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Ахмедова Қўйсиной, информатика фани ўқитувчиси Умрзоқов Бахтиёржон, бошланғич синф ўқитувчилари Эшонкулова, Омонова, Яхшибекова, Бозорова, Қодиров, Қаршиевалар ўз касб-корларини улуғлаб келаётгган мураббийларимиздан.

Уч йилдан буён мактабимизда ўтказилаётган синовларнинг барчаси тест усулида амалга оширилмоқда. Ўқувчиларнинг билим кўникмаларини синаш, уларнинг белгиланган дастурларни қай даражада ўзлаштиришлари компьютер орқали бажарилмоқда.

Мактабда М. Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига "Буюк аждодларимиз" Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон — она-Ватаним" йилномалари, кўргазмали бурчаклар ташкил этилди.

Мактабимизда мунтазам равишда "Йил ўқитувчиси", "Иқтидорли ўқувчи" кўрик-танловлари ташкил этиб борилмоқда. Ғолибларга махсус соврин, пул мукофотлари тақдим этилмоқда.

Анча-мунча қийинчиликларни енгишда бизнинг педагогик жамоамиз баҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилмоқда. Улар бугунги куннинг ўткинчи қийинчиликларидан чўчимай, билим масканимизнинг ташвишию кувончини баҳам кўришмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиги Б. Шарипов таъкидлаганидек: "Мактаб коллективининг ҳар бири алоҳида ҳурматга лойиқдир". Шу боис бўлса керак Халқ таълими ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган вилоят ўқитувчиларининг тантанали йиғилишида яна икки нафар ўқитувчимизга "Халқ таълими аълочиси" нишонлари топширилди. Туманимиз ҳокими Э. Холматов, ҳоким муовини Ш. Бердиевалар бизнинг истак ва таклифларимизни қўллаб-қувватлаб туришади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли яқинда мол алмаштириш орқали мактабимизга 60 минг сўмлик жиҳозлар келтирилди.

Мактабимизда амалга оширилаётган яна бир амалий ишни айтиб ўтмасдан илож йўқ. "Мактаб, оила, жамоатчилик" мавзуида бошланғич қатъий режа асосида учрашувлар бўлиб туради. Барча синфларда ота-оналар учун "Очиқ эшиклар" куни ташкил этилган. Улар машғулотларда иштирок этишади, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишади. Мактаб ўқитувчилари билан тез-тез мулоқотда бўлишади. Жамоатчиликнинг мулоҳаза ва таклифларини жон дилимиз билан тинглаймиз, фойдалиларини амалий татбиқ этамиз. Қисқаси, ўқитувчининг мукаммал баҳосини беришда жамоатчилик истакларини алоҳида ҳисобга оламиз.

Шунингдек, "Мактаб, боғча, мактаб" таълим-тарбия узвийлигини ишлаб чиқдик.

Туманимиздаги "Ғунча", "Шодлик", "Камалак" болалар боғчалари билан мустаҳкам алоқадамиз. Улар билан келишган ҳолда болалар боғчаларида, мактабда турли хил машғулотларни ҳамкорликда ташкил этаяпмиз.

Кейинги икки йил мобайнида ўқувчиларимиз ўртасида биронта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмади.

Туман ҳуқуқ-тарғибот органлари билан ҳамкорликда 1992—95 йилларга мўлжалланган тадбир — режа белгиланган.

Ушбу тадбир асосида "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?" "Ўқитувчи ва ўқувчининг муносабати", "Қонун ҳамма нарсадан устивор", "Нима яхшию нима ёмон?", "Касбим фахрим" мавзуларида қатор учрашувлар, суҳбатлар, мулоқотлар ўтказилди. Республика телевидениеси орқали берилаётган ёшлар хаётига оид кўрсатувлар тасвирга туширилиб, ўқувчилар муҳокамасига ҳавола этилади ҳамда улар фикр-мулоҳазаларини билдиришади. Туман прокурори К. Ғозиевнинг ташаббуси билан мактабда "Ҳуқуқшунослар минбари" ташкил этилган. Ҳар бир ўқув чорагида белгиланган мавзу асосида ўтказиладиган суҳбатларда ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, ота-оналар ўзларининг саволлари билан ҳуқуқшуносларга мурожаат этишади.

Муаммоларимиз ҳам ўзимизга етарли. Икки йилдан буён мактабимиз боғига сув олиб келолмай оворамиз. Мактабни бир сменали қилиш ташвиши билан юрибмиз. Мактаб қошида кичик корхона очиш масаласида талай юмушларни бажаришимиз лозим. Ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Шу ўринда Президентимизнинг устозлар байрами муносабати билан матбуотда эълон қилинган табрик ҳ идаги жумларни эслаб ўтиш жоиз: "Она Ўзбекистонимизда миллий мактаб қиёфаси шаклланмоқда, умуминсоний қадриятлар билан бойимоқда. Бунда асосий масъулият муаллимлар, мураббийлар, зиммасига тушмоқда. Давр сизлардан муттасил изланишни, ижодкорликни талаб этаётир".

Биз ўзимизнинг эртанги ёруғ кунларимизга ишонамиз.

Олий ҳақиқат — Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, унинг буюк келажагига садоқатли бўлиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Болтабой БОБОЕВ
Арнасой туманидаги М. Улуғбек номидаги 1-ўрта мактаб директори.

Тошкент шаҳридаги 230-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Мурувват Абдусамадова ҳар бир машғулотни назария билан амалиётни уйғунлаштирган ҳолда олиб боради. Шул боис ўқувчилар унинг сабоқларига жон-дилдан қулоқ тутишади.

Суратда: М. Абдусамадова галдаги машғулотни ўтаяпти.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Устоди аввал

ВАТАН ТУШУНЧАСИН АНГЛАТГАН ҲАМ СИЗ

БАҒИШЛОВ

Ўттиз йиллар муқаддам Ёрмозорда булоқлар кўп эди. Биз — 1-синф болалари шаҳарга туташ йўл ёқасидаги булоқ ёнида Сизни кутардик. Ғужур-ғужур қилиб зилол сувдан симирарканмиз, йўловчилар:

— Ҳой, тўполончилар, мактаб қаёқда-ю, сизлар бу ердасизлар. Нима қилиб юрибсизлар? — дейишарди.

— Ўқитувчимизни кутяпмиз, — бараварига чуғурлардик. Ғурур ва фахр мужассам эди қўнғироқдек товушларимизда!

— Ўқитувчиларинг ким?

— Матқосимова Шарофатхон ая, — жаранглари қўнғироқдек овозларимиз. Ана шу жаранглар беғубор бола қалбининг ўлчовига сиғмас меҳри сингиб-сингиб кетган бўларди.

— Унинг ҳам сизларга ўхшаган беш боласи бор, боғчага, мактабга жўнатиб келади-да. Борингглар, синфда ўтириб турингглар. Бунақада ўқитувчиларингга гап теккизиб қўясизлар.

Шу орада йўлда Сиз пайдо бўлардингиз. Мўъжаз чамадонни эслатувчи сумкани қўлтиқлаганча бизга ошиқардингиз.

— Аямиз келяпти! Аямиз! Ассалому алайкум, ая! Сумкангизни мен кўтарай.

— Йўқ, мен кўтараман.

— Талашманглар, Азиза, кеча сен кўтаргандинг, бугун Манзуранинг навбати, — дерди муаллимамиз.

Аямизнинг сумкасини олиб юриш ғоят шарафли эди ўшанда. Бу, энди англашимизча, шунчаки сумка кўтариш эмас, ўқитувчига бўлган муҳаббат, эъзоз ва ҳурмат ифодаси экан.

Ўшанда бизга ҳарфлардан қандай қилиб "Она", "Ватан" сўзлари пайдо бўлишини тушунтираётган, пахмоқ сочларимизни меҳр билан тараётган ёш, адл қоматли Аямиз дунёдаги энг қудратли, энг улуғ, энг билимдон инсон бўлиб туюларди. Мана, орадан 30 йилдан зиёд вақт ўтибди ҳамки, қалбимизда ўша туйғулар ҳукмрон.

Бундан озгина йил муқаддам қадрдон даргоҳ, ҳозирда Фарғона шаҳридаги Давлат Ниёзов номидаги 30-мактабга қатнаб ўқирдик. Умр оқар сув каби ўтиб, шу азиз мактабимизни битирганимизга йигирма йил тўлибди. Мана, мактабим, мени ўн йил қучоғида эркалаган, дилимга нури иймонни, илму ҳикматни, одобу ахлоқни жойлаган даргоҳ... Салом сенга! Ғўдак юрагимга йўл топиб, қалам ушлатишни ўргатган, одамийликни, инсонпарварликни, ватанпарварликни ўргатган устозларим, ассалому алайкум! Қани ўша азиз чеҳралар? Келмиш бу кун Сизга ташналар. Ул булбулигўёлар қани?... Аямиз қани, аямиз?

— Уларни пенсияга чиқарганимизга анча бўлган, — дейди мактаб директори Мўйдинжон ака Собиров.

Шарофатхон ая Матқосимова, Қундузхон ая Ниёзова, Ҳалимахон опа Қосимова, Холбоев домла, Ҳакимжон Юсупов, Қиёмхон ая Қурбонова, Номиров домла, Духанов домла... Раҳматли Эътибор опа Каримова... Синф раҳбаримиз Ромас Сатимов.

— Домла, хайрият, лоақал Сиз пенсияга чиқиб кетмабсиз, — ҳазиллашамиз муаллимимиз оқ сочларига қараб.

— Ҳа, сен бир пайтлар "Ўқитувчим — фаришта, у ҳамиша ёш, қаримаслиги керак", деб ёзган эдинг, — хўрсинади синф раҳбарим.

Ўқитувчим, қадрдоним — отам ўқитувчим,
Ўқитувчим, меҳрибоним — онам ўқитувчим.
Энг турфа сўзлар-ла олқишлай Сизни,
Ёш тўла кўзлар-ла олқишлай Сизни.
Тилагим: дунёлар тургунча туринг,
Фарзандлар, шогирдлар иқболин кўринг...

Маҳфуза УСМОНОВА,
Фарғона шаҳридаги 30-мактабнинг собиқ ўқувчиси.

ОЛИМ ВА ДРАМАТУРГ

Бугун табаррук таваллудининг 70 йиллиги нишонланаётган таниқли адабиётшунос ва адабий танқидчи, шоир ҳамда драматург, мохир ташкилотчи филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Турсун Собиров адабиётимиз тараққиёти тарихида муносиб ўрин тутган ижодкорлардан эди.

Турсун Собиров ўз ижодини шеъриятдан бошлади. Унинг шеърларидан айрим намуналар 40-йилларнинг бошларида матбуотда эълон қилина бошлади. Гарчи у бу соҳада янги бир кўрик очаолмаган бўлса-да бу шеърларнинг аксариятидаги лирик қаҳрамоннинг давр ҳақидаги, кишиларарО ўзаро муносабат, Ватанга меҳр, дўстга садоқат ҳақидаги фикрлари жозибали сатрларда содда ва ғоят самимий бир оҳангда ифодаланадики, унинг шеърларидаги бу хусусият беихтиёр ўқувчи эътиборини тортади. У ҳамиша шеърларининг халқ маънавиятини бойитиш, унга рухий озуқа бахш этишини орзу қилади:

Истардим ўйноқи, шўх бўлиб созим,
Ҳар дилни ўзига банд этаолсин.
Ўлкамда жаранглаб, янграб овозим,
Шу дилбар ҳаётни қўшиққа солсин.., — деб ёзади у 1939 йилда ёзган бир шеърида.

Турсун Собиров ҳозиржавоб, шиддаткор мунаққид эди. Унинг 50-60 йилларда яратган ўзбек поэзияси ва драматургиясининг ахволи ва унинг долзарб масалаларига бағишланган "Замон ва театр", "Адабий танқидчилигимизни юқори даражага кўтарайлик", "Театр ва драматургия", "Кино драматургияси ҳақида", "Санъатнинг энг таъсирли тури" каби адабий-танқидий мақолалари ва Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Уйғун ҳақидаги туркум мақолалари адабиётшунослигимиз ва адабий танқидчилигимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Тўғри, унинг айрим илмий ва адабий-танқидий мақолаларида баъзан бирмунча нотекис фикрлар ҳам бўлди. Аммо танқидчи "сен менга тегма, мен сенга" қабилида "силлиқ" яшаб ўтган олимлардан эмас эди. У ҳамиша фикрлар кураши билан яшади.

Турсун Собиров ўзбек драматургиясининг таниқли тадқиқотчиларидан эди. Ўзининг бу соҳадаги узоқ вақт изланишлари, машаққатли меҳнатининг натижаси ўлароқ яратган "Ўзбек совет драматургиясининг тараққиёт йўллари" номли тадқиқотини докторлик диссертацияси сифатида тақдим этгани ва уни муваффақият билан ҳимоя этгани ҳамон эсимизда. Бунда у ўзбек драматургиясининг қарийб ярим асрлик тараққиёт тарихини таҳлил этган бўлиб, шубҳасиз бунда баҳсли ўринлар бўлгани учун ҳам кўп тортишувларга сабаб бўлган эди. Олим бу синовлардан ҳам муваффақият билан ўтди.

Турсун Собировнинг илмий фаолияти бу билангина чекланмайди. Айни чоғда у ўзининг "Улуг Ватан уруши даврида ўзбек совет адабиёти", "Ўзбек совет драматургияси", "Замон садоси" китобларини нашр эттирдики, шубҳасиз булар адабиётшунослик илмига қўшилган муносиб ҳисса бўлди.

Турсун Собировнинг сахна асарлари яратиб, уни томошабинларга етказишда ҳам самарали меҳнат қилди. Унинг эрк ва адолат учун кураш каби умуминсоний масалалар ҳақида нақл этувчи "Орзигул", грузин шоири Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон" достони асосида яратилган "Уч баходир", Замонавий мавзудаги "Қайдасан ҳаёт", "Камола" шеърий драмалари республикамиз театрлари сахналарида кўп бор қўйилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Бугунги кунда илмий ишлари билан танилган ва республикамиз матбуотида самарали меҳнат қилаётган менинг қаламкаш тенгдошларим яхши эслашади, Турсун Собиров мураббий ва олий мактаб ўқув ишлари ташкилотчиси сифатида ҳам сидқидилдан меҳнат қилди. Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ДошДУ), филология факультетининг декан ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими сифатида биз бўлғуси адабиётшунос ва журналистларга яқиндан ёрдам берган, мураббийлик қилган жонкуяр, дилбар инсон сифатида Турсун Собиров ҳамиша дилимизда бархаёт.

Гаффор МЎМИНОВ.

Меросимизни ўрганамиз

АЗ-ЗАМАҲШАРИЙ ҚАБРИНИ ИЗЛАБ

ХОРИЖ ЭҲТИРОМИ

Арабшунос олим ва таржимон шарқнинг буюк сиймолари ҳақидаги қатор рисолалар муаллифи Ҳожи Убайдулла Уватов бир неча йиллар давомида араб мамлакатларида хизмат вазифасини бажариб юрар экан, дунё таниган буюк аждодларимиз ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур қаторида хоразмлик буюк аллома аз-Замаҳшарийнинг муборак номини қайта-қайта эшитади. Унинг илмий-адабий, Қуръон тафсири китобларидан олинган қайдлари, суҳбатларда тез-тез фойдаланиладиган ислом ахлоқи, одобига оид иборалари эътиборини тортади. Ҳорижда аз-Замаҳшарий номида шох кўчалар, ҳиёбон, кутубхона, талабаларга маош борлигидан ҳайратланади. Мутафаккир ҳақида ўз юрти Ўзбекистонда деярлик маълумот йўқлигидан, ўрганилмаганлигидан афсусланади. Бўш вақтида чет элларидаги манбаларга, илмий-тадқиқотларга қайта-қайта мурожаат қилади. Фозилу фузалолар доирасидаги суҳбатлар, мушоҳада ва мулоҳазалар самараси баракали бўлди. Аз-Замаҳшарийнинг ҳаёти, фаолияти ва фан-маърифат, диний илмларга оид тўпланган талай маълумотлар, асарлардан намуналар унинг чиндан-да жонажон Ватанимиз заминида туғилиб, яшаб, ижод этган, олиму-уламолар, ҳокиму-ҳукмолар сафида туришга муносиб улуғ сиймо бўлганлигидан дарак бериб турибди. Олим ҳаётлигидаёқ катта ҳурматга сазовор бўлган. Унга "Бутун олам устози", "Араблар ва ажамлар устози", "Хоразм фахри", "Аллоҳнинг қўшниси" каби шарафли унвонлар берилган.

Олимнинг тўлиқ исми Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Ахмад) бўлиб, 1075 йилнинг 19 мартида Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири — Замаҳшарда таваллуд топган, шу боисдан ҳам аз-Замаҳшарий тахаллусини олган.

ЗИЁРАТГОҲ

Хорижий мамлакатлардан сафардан қайтган Убайдулла Уватов манбаларда қайд этилган "Хоразмнинг катта қишлоғи Замаҳшар"ни зиёрат қилишни кўнглига тугади. Аввал аз-Замаҳшарий ҳақида ўрта аср араб манбаларида ёзилган маълумотларни тўплайди. Унинг Қуръони Карим тафсирига бағишланган машҳур "Ал-Кашшоф", араб тили грамматикасига оид "Ал-Муфассал" каби йирик таснифларини ўқийди. Аз-Замаҳшарийнинг ижоди ва илму урфон йўлида босиб ўтган машаққатлари ҳақида ҳикоя қилувчи, бутун ислом маданиятида муҳим ўрин тутувчи "Нозик иборалар" рисоласини тўлалигича илк бор ўзбекчага таржима қилиб, "Шарқ улуғлари" ("Нозик иборалар", Тошкент, "Камалак" нашриёти, 1992 й.) рукнида нашр эттиради.

Яқинда ёзувчи Расул хожи Раҳмонов Убайдулла Уватов ва камина Хоразм сафарида бўлиб, Замаҳшар қишлоғи ҳозирги Қўшкўпир туманида эканлигидан хабар топдик. Аниқ ҳудудий жиҳатдан Замаҳшар қишлоғи Туркманистоннинг Тагта оралиғи (тумани) чегарасида эканлиги маълум бўлди. Қўшкўпир туманни марказидан 40 чақиримча юрилгач узоқдан, пахтазорлар, оқ жўхори ўсган далалар, боғлар ўртасида қад кўтарган тепалик устида бир вақтлар тикланган пахса деворлар, миноралар, дарвозалар харобаси кўзга ташланади. Тупроқ уюмлари, сопол синиқлари, тўрт бурчак юпқа ғиштлар сочилиб ётган чуқурликлар, янтоқзорлар оралаб борамиз. Тўрт томонда баланд дарвозалари бўлган улкан қалъа қолдиқлари салобатли турипти. Ҳозир улар очиқ йўл бўлиб қолган.

— Устознинг мозорлари қаерда экан? — сўрайди Убайдулла ака.

— Кўҳна қалъанинг этагида "Оқсоқ ота қабристони" бор. У кишининг табаррук хоклари шу ерда, — деб жавоб берди Тагта тумани ҳокими Отузмэт Қақишов. — Аз-Замаҳшарийнинг мақбараси ҳам ўша ерда, қўлдан келганча таъмирладик. Халқ муқаддас билиб, зиёрат этади.

Аз-Замаҳшарийнинг бир оёғи ёшлигида синиб, у бутун умр ёғоч оёқда юрган. Шунга қарамасдан Бухоро, Хуросон, Бағдод, Дамашқ, Ҳижози-шариф, Яманга бориб кўп машҳур олимлардан сабоқ олади, сўнгра яна Хоразмга қайтиб 1144 йилда Хуржонияда (ҳозирги Урганчда) вафот этади. Шу кишининг шарафларига ҳозир ҳам мавжуд бўлган қабристон "Оқсоқ ота" номи билан аталар экан.

ЗАМАҲШАРИЙ ШАҲРИ БЎЛАДИ

Мустақиллигимиз туфайли одат тусини олиб бораётган анъанага кўра жаҳон маданияти ва маънавиятига, тарихига муносиб ҳисса қўшган юртдошимизнинг улуғ номини тиклаш, унинг бебаҳо меросидан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш мақсадида 1995 йилда алломанинг таваллуд топганига 920 йил тўлишини ҳақиқий байрам сифатида нишонлаш мўлжалланмоқда.

— Биз, мустақиллик шарофати билан ўзлигини таниётган, аждодларимиз шуҳратини мумтоз этадиган, жаҳон фани ва маданияти тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган буюк юртдошимиз аз-Замаҳшарий руҳини шод этишга астойдил тайёрмиз, — дейди Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, — Қўшкўпирда обод Замаҳшарий шаҳрини бунёд этамиз. Икки қаватли масжид, мадраса қурмоқчимиз. Уй музейини ташкил этамиз. Алломанинг қишлоқдаги мақбара ёдгорлигини таъмирлаш, ҳазратнинг ота-она, устоз, яқинлари қабрини тиклаш ниятимиз ҳам бор. Улуғ сиймонинг зиёратига келган меҳмонларга маиший, савдо, автобус хизматларини йўлга қўямиз. Эсдалик нишони, ашёлар чиқарамиз. Чет элларда, хусусан, араб мамлакатларида бўлганидек, алломанинг номини ҳар томонлама абадийлаштирамиз.

Омонулла ҳожи МУТАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси масъул ходими.

Танқид, мулоҳаза, таклиф

БИЗНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун унинг ақлий потенциалини вояга етказиш муҳим роль ўйнайди. Бу ишни мактабдан бошлаш зарур экани ҳаммага маълум. Ана шу мақсадда мактабда таълим ва тарбияни яхшилаш учун бирмунча ишлар қилинмоқда: одобнома, иқтисодий билим асослари, эски ўзбек ёзуви фанлари ўқитилмоқда. Ўқувчилар билимни ҳар жиҳатдан мукаммалаштириш учун тестдан кенг фойдаланилмоқда, таълим жараёнини компьютерлаштиришга катта эътибор берилаётир. Умуман, юзаки қараганда, ҳамма иш силлиқ, жойида экандек кўринади. Аммо халқ таълимини ривожлантириш, уни бугунги кунга мослаштириш борасидаги ишлар ҳали талаб даражасида эмас.

Мактабларда амалда қўлланилаётган дастурлар ва дарсликлар республикамизнинг турли жойларидаги ўзига хосликни камраб ололмаяпти. Аниқроқ қилиб айтганда, улар асосан марказий шаҳарлардаги тажриба майдонлари — ҳар жиҳатдан ташаббусга жавоб берадиган мактаблардаги иш тажрибасига асосланиб тузилмоқда. Қуйидан айтилаётган таклифлар, фикрлар эса кўпинча эътиборсиз қолиб кетмоқда.

Маълумки, 1993 йил бошларидан ҳар бир минтақанинг ўзига хос томонларига асосланган турли дарсликлар яратишдек хайрли ишга қўл урилган эди. Бироқ вилоятда бу иш ниҳоясига етиб, юқори босқичга кўтарилганда негадир тўхтаб қолди. Қилинган ижодий ишлар, тажрибалар эвазига яратилажак дастур ва дарсликлар ҳозирча чанг босиб қолмоқда. Нега? Бу саволга ҳамон аниқ жавоб йўқ.

Таълимдаги янгиланишнинг қутлуғ қадамларидан бири бу — мактабларда хориж тилларини ўқитишдир. Бироқ 8—11-синфлар учун ажратилаётган ҳафталик икки соатлик дарс тилни ўзлаштириш, унга ҳавас орттириш учун етарли эмас. Демак, биз ўқувчининг коммуникатив тайёргарлигини юқори босқичга олиб чиқишда асоссиз равишда унинг қанотини боғлаб қўймоқдамиз. Ахир, унинг чет тилидан олган пухта билими олий ўқув юртида ҳам асқотади, хоржда таълим олишига ҳам кўмаклашади-ку! Халқимиз "Бир тилни билган бир одам, икки тилни билган икки одам" деб бежиз айтмайди-ку!

Яна бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Кейинги йилларда мактаб ва олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқа анча сусайиб кетди. Ўз обрўйини, келажагини ўйлаган олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари қишлоқ мактабларида тез-тез бўлиб, оталиққа олиб, уларни тажриба майдонига айлантирсалар, муаммолар аниқланса ва бирга ечимини топсак, кўпгина эзгу ишлар сари қадам қўйиларди. Бу ўринда олий ўқув юртлари қошида очилаётган лицейлар ҳам иқтидорли болаларни танлаб олишга кўмаклашади, албатта. Аммо, аввалом бор, институт ва университетлар томонидан ўтказилган фанлар олимпиадасига кенг ўрин бериш зарур. Фикримизни мактабларнинг ўзида, олий ўқув юртларида ўтказилган олимпиадалар натижаси асосида талабаликка қабул қилинган туманимизнинг ўқувчилари бугун институтларда аъло баҳоларда ўқиётгани ҳам тасдиқлайди.

Умуман, таълимда туб янгиланишлар сари одимларканмиз, бугунги кунда бизни ўйлантираётган, ташвишлантираётган муаммолар кўп. Улардан бири тест топшириқларини тайёрлаш масаласидир. Ҳозирги пайтда бундай топшириқларни тайёрловчилар сони кўпайиб кетди. Уларнинг кўпчилиги руҳшунослик, илмий-педагогик жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам, бизнингча, республикада тест маркази ва вилоятларда унинг филиалларини очиш лозим. Марказ шу соҳа бўйича иш олиб борувчиларни, ишларни рўйхатга олади ва таҳлил қилади, лозим бўлса, уларни чоп этишга тавсия этади. Биргина республика талаба танлов маркази бунинг уддасидан чиқа олмайди. Биринчидан, уларда вақт етишмайди, иккинчидан, ишни назорат қилишга имкон бўлмайди.

Менимча, тест маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари самарали ишлаган тақдирдагина илмий-методик, руҳшунослик талабларига мос келмайдиган "китобча"лардан қутуламиз ва мактаб, олий ўқув юрти ҳамкорлиги ўрта мактаб ўқув дастурлари талаблари асосида амалга ошади.

А. БОЛТАБОЕВ,
Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири.